



ДАВЛАТ РАҲБАРИ МИСР ПРЕЗИДЕНТИНИ ТАБРИКЛАДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон халқи ва шахсан ўз номидан Абдал Фаттоҳ Ас-Сисий ва мисрликларни ушбу мамлакатнинг миллий байрами – Инқилоб куни билан табрикларди.

“Қозоғистон ва Миср ўртасидаги умумий маънавий қадриятлар ва ҳар томонлама ўзаро ҳамкорликка асосланган анъанавий муносабатлар соҳаси кенгайганини улкан миннатдорчилик билан қайд этаман. Халқларимиз фаровонлиги йўлида икки томонлама ҳамкорлигимиз келгусида ҳам жадал давом этиши ва ривожланиб боришига ишончим комил”, дейилади табрикда.

Қ. Тўқаев Абдал Фаттоҳ Ас-Сисийга масъулиятли лавозимида улкан муваффақиятлар, қардош Миср халқига эса омад тилади.

24.kz.

САМАРҚАНДГА БОРСАМ МЕН АГАР...

Самарқанд шаҳрида Қозоғистон ва Ўзбекистон сайёҳлик соҳаси вакилларининг анжумани ўтди.

Тадбирда Қозоғистон ва Ўзбекистон туризм соҳаси вакиллари ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишиб олдилар. Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли” халқаро сайёҳлик ва маданий мерос университетида ўтган учрашувда Қозоғистон ва Ўзбекистон шаҳарларидан сайёҳлик операторлари, меҳмонхоналар вакиллари иштирок этишди.

Тадбиркорлар ўз шаҳарларининг сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятини намойиш этишди. Анжуман доирасида икки мамлакат сайёҳлик соҳаси вакилларининг учрашувлари ўтди. Ўзбекистоннинг ушбу соҳа раҳбарлари бўлажак ҳамкорлари билан мулоқотда бўлди.

Тадбир якунида сайёҳлик бизнеси вакиллари ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

ДУНЁГА ТИНЧЛИК КЕРАК!

ДУНЁНИНГ 190 МАМЛАКАТИ ВАКИЛЛАРИ ЯДРО ҚУРОЛИНИ ТАРҚАТМАСЛИК Тўғрисидаги ШАРТНОМАНИ МУҲОКАМА ҚИЛАДИ

Қозоғистон раислигида 2026 йилда ўтказиладиган «Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома»нинг муҳокамасига тайёргарлик қўмитаси ўз иш-ни бошлади.

Ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизлантириш соҳасидаги ҳозирги мураккаб геосийёсий воқеалик шароитида рўй бераётган ушбу муҳим воқеа Шартнома қўйилган ижросини қўриб чиқиш учун асосий вазифа ҳисобланади.

Тадбирни очган раис, Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ахан Раҳметуллин Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг мақсадларига эришиш учун жаҳон ҳамжамиятининг ҳамкорлигидаги фаолияти муҳимлигини таъкидлади ва Қозоғистоннинг дунёвий ядровий қуролсизланишига содиқлигини тасдиқлади.

МАҚСАД ЯГОНА, ҲАРАКАТЛАР МУШТАРАК

G7 – «КАТТА ЕТТИЛИК» ДАВЛАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА 200 МИЛЛАРД ДОЛЛАР САРМОЯ КИРИТАДИ

Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Назира Нурбаева АҚШнинг «Дунёвий инфратузилма ва сармоявий ҳамкорлик дастури» бўйича махсус мувофиқлаштирувчи вазифини бажарувчи Хелайна Матца билан учрашди.

Учрашувда томонлар транспорт-логистика, экологик тоза энергия ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ноёб минералларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳаларидаги лойиҳаларга сармоя киритиш имкониятларини муҳокама қилдилар.

G7 дунёвий инфратузилма ва сармоявий ҳамкорлик дастури ривожланаётган мамлакатлардаги инфратузилма лойиҳалари учун 2027 йилгача 600 миллиард АҚШ доллари миқдорига сармоя киритишни мақсад қилган.

Музокаралар чоғида Н. Нурбаева Қозоғистонда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш истиқболлари, «яшил» энергетика ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳаларни муҳокама қилди. Вазир ўринбосари Марказий Осиё минтақаси ушбу соҳаларда узоқ муддатли шериклик учун улкан салоҳиятга эга эканлигини таъкидлади ва Қозоғистон умумий мақсадларга эришиш йўлида АҚШ билан ҳамкорлик қилишга тайёргарлигини маълум қилди.

Ўз навбатида, Х. Матца G7 давлатлари Марказий Осиёдаги инфратузилма лойиҳаларига 200 миллиард АҚШ долларигача сармоя киритишга тайёргарлигини, Қозоғистон эса бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун асосий ҳамкорлардан бири эканлигини таъкидлади. Дастурнинг асосий мақсади Европа бозорларига чиқиш имкониятига эга бўлган Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги савдо алоқаларини кенгайтириш орқали дунёда озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш занжирини мустаҳкамлаш ва ранг-баранглаштиришдан иборат.

Учрашув якунида томонлар муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш учун томонлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олдилар.

G7 – «катта еттилик» давлатлари таркибига Франция, Германия, Италия, Япония, Буюк Британия, АҚШ ва Канада кирди.

24.kz.

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК САРИ

Бош вазир Ўлжас Бектенов қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш масалаларига бағишланган Ҳукумат йиғилишини ўтказди.

Унга кўра, 2024-2028 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”да ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми икки баравар ошириш кўзда тутилган. Жорий йилда бу режа 111 фоизга бажарилди.

– Ярим йиллик якунига кўра, юқсалиш 103 фоизни ташкил этди. Аммо, ҳосил этиштириш самарадорлиги кўзда аниқланади. Соҳани ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Қозоғистон ўзини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаши, экспортни ривожлантириши керак. Бунинг учун Ҳукумат барча зарур захираларни ишга солади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш менинг шахсий назоратимдаги асосий йўналишдир, – деди Ў. Бектенов Ҳукумат йиғилишида. Жорий йилда баҳорги экиш ва қишлоқ хўжалиги техникала-



рини лизингга бериш учун ириқ миқдорда маблағ ажратилди. Имтиёзли шартлар асосида насиялаш ҳажми илк бор 580 миллиард тенгегача етди. Бунгача бу кўрсаткич 180 миллиард тенгедан ошмаган эди.

Йиғилишда йғим-теримга

тайёргарлик масалалари ҳам муҳокама қилинди.

– Вилоят ҳокимликлари ғалла қабуллаш корхоналарининг янги ҳосилни қабул қилишга тўлиқ тайёргарлигини таъминласин. Ғалла қабуллаш корхоналари ушбу даврда узлуксиз ишлаши керак.

Вилоят ҳокимликлари деҳқон-

ларга имтиёзли молиялаштириш, жумладан, «Ижтимоий-тадбиркорлик корпорациялари» томонидан ажратилаётган молиялаштиришни 100 фоизга етказишни таъминлаши керак, – деди Ў. Бектенов.

Primeminister.kz.

РЕЖАЛАР УЛУҒВОР, ИСТИҚБОЛ ЁРҚИН

ТУРКИСТОН ШАҲРИДА «ДЎСТЛИК УЙИ» ВА «БАДАСТИР МАКТАБ»ЛАР ҚУРИЛИШИ ЯКУНЛАНМОҚДА



Қурилиш якунланиши арафасида. Вилоят ҳокими иншоотнинг ўз муддатида топширилиши зарурлигини таъкидлади. Пудратчиға аниқ топшириқлар берди.

Туркистон маъмурий ва ишбилармонлик марказида қад ростлаётган янги намунадаги “Дўстлик уйи” биносининг майдони 3912,29 квадрат метрни ташкил этади. Миллатлараро тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган бино қурилишини жорий йилнинг кузига якунлаш режалашти-

рилган. Лойиҳага кўра, бино тўрт қаватдан иборат – мажлислар зали, этник гуруҳлар марказлари ўз ичига олади.

Шундан сўнг вилоят ҳокими “Янги шаҳар” ҳудудида қурилаётган “Бадастир мактаб” қурилишини кўздан кечирди. Ушбу таълим масканининг биноси ҳам жорий йил кузга топширилиши режаланмоқда. Иншоотда қурилиш ишлари жадал олиб борилмақда. Вилоят раҳбари пудратчи корхона раҳбарларига иш суръатини ошириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Эслатиб ўтамиз, Туркистон вилоятида икки йил ичида 63та “Бадастир мактаб” барпо этилади. Уларнинг 29тасини жорий йилда топшириш режаланган.

Таъкидлаш жоизки, вилоят аҳолисининг 38 фоизини болалар ва балоғатга етмаганлар ташкил этади. Минтақадаги 1052та мактабда 520 минг ўқувчи таҳсил олади. 5та уч сменали ва 4та хароба ҳолатдаги мактаблар мавжуд. Янги таълим марказларининг барпо этилиши уч сменали ва эскирган мактаблар муаммосини тўлиқ ҳал қиладди. Ўтган йили вилоятда 20та мактаб фойдаланишга топширилди. Бюджет маблағлари ҳисобидан уч йилда минтақада 100га яқин мактаб қуриш режаланмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Вилоятимизда экин майдонларининг ҳажми йилдан-йилга кенгаймоқда. Бу минтақада давлат дастурларининг муваффақиятли амалга оширилаётганининг самарасидир.

Жорий йилда Саврон туманида 43798 гектар майдонга экин экилди. Унинг 4288 гектарини бошоқли дон экинлари ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 100,7 фоизга ошган.

Бугунги кунда туманда 3734 гектар майдонга экилган ғалла, яъни 87 фоизи ўриб олинди. Ўртача ҳосилдорлик 30 центнерни ташкил этди.

Бу ютуқда тумандаги ғаллачилик йўналишидаги ҳар бир

деҳқон хўжалиги аъзосининг фидойи меҳнатлари мужассам.

Етиштирилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай, қисқа вақтда йиғиштириб олиш учун пухта ҳозирлик кўрилди. Урим отрядлари ташкил этилиб, 12480 тонна ҳосил тўпланди. Шундай қилиб, деҳқонлар июль ойининг охиригача 15 минг тонна ғалла йиғиб олишни мўлжалламоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ҒАЙРАТИНГГА БАЛЛИ, ҒАЛЛАКОР!



Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:



ДАРОМАДЛАР ҲАЖМИ ОШДИ

2024 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича вилоят бюджетига 120,8 млрд тенге миқдорда солиқ ва бошқа даромадлар тушиб, режа 111,1 фоизга бажарилди.

Туркистон вилояти ҳокими Д. Сатибалди девоннинг ҳафталик йиғилишида

даромад манбаларини кўпайтириш юзасидан кўрсатма берди. Айниқса, дав-

лат бюджетидан молиялаштирилса ҳам, солиқлардан бўйин товлайдиган таълим ва бошқа соҳалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш масаласи чуқур муҳокама қилинди. Мутасадди раҳбарларга кўрсатмалар берилди.

Олти ой давомида бюджетга тушган солиқлар 91,8 млрд тенгени ташкил қилди ва режа 108,8 фоиз бажарилди.

Минтақада даромад манбаларини кўпайтириш тадбирлари давом эттирилди.

927,6 МИЛЛИАРД ТЕНГЕГА ЕТДИ

2024 йилнинг 6 ойи якунлари бўйича Туркистон вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ижобий юксалиш кузатилди

Бу ҳақда вилоят ҳокими Д. Сатибалди раислигида ўтган девон мажлисида маълум қилинди. Вилоят раҳбари туман, шаҳар ҳокимлари ва мутасадди бошқармаларга сармоя жалб этиш, саноат корхоналарини очиш каби тадбирларни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Вилоят иқтисодиёт ва бюджетни режалаштириш бошқармаси раҳбари Қ. Қайипбек жорий йил биринчи ярим йиллиги якунлари юзасида ҳисобот берди.

Биринчи чорак якунларига кўра, вилоят ялли худудий маҳсулотининг ҳажми 927,6 миллиард тенгени ташкил этиб, ўсиш +3,7 фоиз даражасида шаклланди. Ўтган йилнинг 6 ойига нисбатан қисқа муддатли иқтисодий юксалиш 106,5 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётнинг 6 фоиз юксалишини таъминлаш мақсадида тегишли соҳавий бошқармалар ва департаментлар вакилларида иборат тезкор штаб ташкил этилди. Ҳукумат томонидан белгиланган 6 ойлик режа бир-икки соҳадан ташқари, тўлиқ бажарилди. Саноат соҳасида ишлаб чиқариш ҳажми 551,6 миллиард тенгени ташкил этиб, режа 106,8 фоиз бўлди.

Саноатда асосий улуш уран қазиб олишга тўғри келади. Тоғ-кон саноа-

ти – 103,1 фоиз (Сўзоқ – 123,6 фоиз), озиқ-овқат маҳсулотлари – 105,3 фоиз (Қазигурт – 127,6 фоиз), енгил саноат – 113,3 фоиз (Жетисай – 148,7 фоиз), қурилиш ашёлари – 108,2 фоиз (Туркистон – 119,9 фоиз), машинасозлик – 119,2 фоиз (Ўрдабоши, қишлоқ хўжалиги тракторларини йиғиш – 2 ҳисса), жиҳоз – 2 ҳисса (Туркистон – 2 ҳисса) га ортди.

Қурилиш ишлари ҳажми 181,1 миллиард долларни ташкил этди. Қурилиш ишларининг асосий улуши Туркистон (55 фоиз) ва Сўзоқ (6,4 фоиз), Байдибек (5,5 фоиз) туманларига тўғри келди. Фойдаланишга топширилган уй-жойлар майдони 20,2 фоизга ошди ва 371 минг квадрат метрни ташкил этди.

Йиғилишда туман, шаҳарлар ҳокимлари ва соҳа бошқармалари раҳбарларига жорий йилда белгиланган режага эришиш юзасидан чора-тадбирлар кўриш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

»» Тайнлаш

ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ТАЙИНЛАНДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Маъмуриятининг розилиги билан вилоят ҳокимининг фармойишига биноан Ертай Кенжебеули Алтаев Туркистон вилоят ҳокими ўринбосари лавозимига тайинланди.



Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди янги ўринбосарини девон жамоасига таништираркан, вилоятнинг равнақи йўналишида муҳим вазифалар юкланганини таъкидлаб, фаолиятига муваффақият тилади.

Ертай АЛТАЕВ 1984 йилда Жанубий Қозоғистон вилоятида туғилган. Хोजа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети битирувчиси. Мутахассисликлари: сайёҳлик менежер, ҳуқуқшунос.

17 йил давлат хизматининг турли соҳаларида меҳнат қилган. 2006 йилдан 2008 йилгача Қозоғистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигида етакчи мутахас-

сис, таҳлилчи лавозимларда ишлади. 2008-2011 йилларда мазкур вазирликда вазир маслаҳатчиси сифатида фаолият юритди. 2011 йилда Қозоғистон Республикаси Президенти Маъмуриятининг Ички сиёсат бўлимида Махсус лойиҳалар шўъбасининг таҳлилчиси лавозимига тайинланса, 2012 йилдан 2022 йилгача Таҳлил ва услубий-нозирлик ишчи шўъбасининг нозир лавозимида фаолият юритди.

2022-2024 йилларда Қозоғистон Республикаси Президенти Маъмуриятининг Ички сиёсат бўлимидаги Маданият, тилларни ривожлантириш, ёшлар сиёсати ва спорт шўъбаси мудири лавозимида хизмат қилди.



ЯНГИ КОРХОНА ОЧИЛАДИ

Вилоятимизда янги технология асосида қурилган меваларни ишлаб чиқарадиган корхона очилди. Лойиҳага афғонистонлик сармоядорлар ҳисобидан 1 миллион АҚШ доллари миқдорда сармоя жалб этилади.

Куни кеча «Turkistan Invest» МЧБ бошқарма раиси Берик Кенжебаев хорижлик сармоядорлар билан музокара олиб борди. Натижада, меморандум имзоланди. Тадбиркорлар экобозор худудидаги тайёр ишлаб чиқариш майдончаси ва сақлаш омборларида бўлишди. Қурилган меваларни тайёрлашда инновацион технологиядан фойдаланилади. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилса, 70 нафар маҳаллий аҳоли бандлиги таъминланади.

»» «Қишлоқ омонати»

ҚИШЛОҚ РИВОЖЛАНСА, ЮРТ ФАРОВОН БЎЛАДИ



ВИЛОЯТИМИЗ «ҚИШЛОҚ ОМОНАТИ» ЛОЙИҲАСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКАДА ЕТАКЧИ

Давлат раҳбарининг топшириғига биноан мамлакатимизда «Қишлоқ омонати» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унинг асосий мақсади – қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш. Дастур бошлангандан буён қишлоқларда минглаб хўжаликлар давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, даромадлари ошди.

Масалан, лойиҳа доирасида ўтган йил етиштирилган маҳсулот ҳажми бўйича вилоятимиз 13,3 фоиз кўрсаткич билан республикада етакчилик қилмоқда. Буни вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бўлим мудири Бауржан Қалданов матбуот анжуманида маълум қилди.

– 2023 йилда мазкур лойиҳа ижроси учун республика бюджетидан 19,8 млрд. тенге ажратилиб, жами 3256та лойиҳа молиялаштирилди. Натижада 3413 одам доимий иш билан таъминланди. Дастур доирасида ўтган йилда хўжаликлар 1

трлн 158,7 млрд тенгелик маҳсулот етиштирди. Жорий йилда дастур доирасида республика бюджетидан вилоятимизга 10,6 млрд тенге ажратилиб, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш ҳамда ширкатларни жиҳозлашга сарфланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилда тадбиркорлар вақтини тежаш мақсадида аризалар электрон шаклда қабул қилинмоқда, – деди Б. Қалданов.

САНОАТ СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

ЎРДАБОШИ ТУМАНИДА ОЛТИ ОЙДА УЧТА ЙИРИК САРМОЯВИЙ ЛОЙИҲА ИШГА ТУШИРИЛИБ, 500 НАФАРДАН ЗИЁД ОДАМ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ



Умумий қиймати 4,2 млрд. тенгени ташкил қиладиган ушбу саноат корхоналарида 533та янги иш ўрни барпо этилди.

Туман иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшадиган – «JNRAY GROUP» компаниясининг тикувчилик фабрикаси, «Borte Engineering» компаниясининг озиқ-овқат саноатидаги мўлжалланган ускуналар ишлаб чиқариш фабрикаси ва «Бөрте милка» компаниясининг сигирлар бошини 400га, сут заводининг қувватини бир кеча-кундузда 10 тоннага кўпайтириш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Жорий йилнинг апрель



ойида Бадам аҳоли манзилларида очилган «JNRAY GROUP» МЧБнинг тикувчилик фабрикаси бир кеча-кундузда 500 дона маҳсулот чиқаради. Лойиҳа қиймати – 1 млрд 300 млн тенге. Ҳозир фабрика маҳсулотлари республика-

нинг барча минтақасида ҳаридордир.

Россия ва Италия давлатлари билан ҳамкорликда йўлга қўйилган «Borte Engineering» компаниясининг маҳсулотлари экспортга ҳам йўналтирилмоқда.



ТИББИЁТ СОҲАСИГА 139та ГРАНТ

Вилоятда умумий тиббиёт соҳасида 24592 нафар мутахассис хизмат қилади. Унинг 5486 нафари шифокор, 19106 нафари ўрта бўғин тиббиёт ходими. Бугунги кунда, вилоят миқёсида 274 нафар ихтисослашган шифокорлар етишмайди. Уларнинг 100га яқини барпо этилаётган 570 ўринли вилоят шифохонаси учун зарур.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди фармойиши билан ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида турли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Муҳим қарор – минтақада тақчил мутахассисликларни жалб этиш мақсадида ҳар йили давлат таълим буюртмасига грант ажратилади. 2023 йилда 60та грант ажратилиб, 40 нафар номзод хужжат топширган. Айти пайтда 37 нафар номзод тиббиёт йўналиши бўйича малакасини оширмоқда. Жорий йилда маҳаллий бюджет ҳисобидан тиббиёт ходимларини тайёрлаш учун 139та грант ажратилди.



ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЯНГИЛАНДИ

Арис шаҳрида ўтган «Тоza Қозоғистон» тадбири доирасида «Темирйўлчилар истироҳат боғи»да кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Акциядан кўзланган мақсад – табиати муҳофазаси қилиш ва шаҳар худудлари тозаллигини сақлаш. Кўплаб ташкилот ва компаниялар бирлашиб, бу эзгу ишга ҳисса қўшдилар. Темирйўлчилар боғининг ёритиш тизими тўлиқ янгиланди.

Замонавий ёритиш ускуналарини «Kazakh Real Stroy» МЧБ ўрнатди.

Хуллас, «Тоza Қозоғистон» акцияси доирасида «Темирйўлчилар истироҳат боғи»нинг янгиланиши Арис шаҳрининг жозибдорлигини ошириб, аҳолининг сеvimли ҳордиқ масканига айланди.

»» «Қишлоқ – юрт бешиги»

КЎЧАЛАР РАВОН БЎЛАДИ

Ўтган йили республика бюджетидан «Қишлоқ – юрт бешиги» дастури доирасида Сайрам туманига қарашли Қайнарбулоқ қишлоғидаги 19та кўчани асфальтлаш ишлари башлаб ажратилиб, июль ойида таъмирлаш ишлари маълум.

У уч босқичда амалга оширилади, бугунги кунда Асилариқ қишлоғидаги Баҳор кўчаси таъмирланмоқда. Октябрь ойига қадар қишлоқдаги бошқа кўчалар ҳам асфальтланади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур кўчаларни асфальтлаш ишларини «EL-KZ 2020», «Тумар-СтройПроект» компаниялари амалга оширмоқда.

»» Дўстлик ришталари

“ВАТАНДОШЛАР” ЧОРЛАГАНДА

Жорий йилнинг 15-21 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси “Ватандошлар” жамоат жамғармаси ташаббуси билан қўшни давлатларда истиқомат қилувчи ўзбек миллатига мансуб жамоат фаоллари ва меҳнат фахрийлари учун “Чинор” лойиҳаси доирасида Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳат уюштирилди.



Қозоғистонлик гуруҳ таркибига фахрий устоз Бегмат Турдиқулов, таниқли кўз шифокори Манзура Отахўжаева, туркистонлик муаллима Нодира Самиева, таралик Дилфуза Жўлдашева, шифокор Дилором Каримова, алматлик таниқли хонанда Бахтиёр Матназаров, бизнес-мураббий Фурақат Раҳимов ҳамда камина бўлди.

НОПАРК” корхонаси фаолияти билан танишдик. Жами 103 гектар майдонни эгаллаган корхонада Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти кўз ўнгимизда бор бўй-басти билан намён бўлди. Жумладан, бу жойда машинасозлик, халқ хўжалигининг турли соҳалари учун зарур энг замонавий фуқарат Раҳимов ҳамда камина бўлди.

Мирзо Улуғбек расадхона-сига саёҳатимиз ҳам самимий руҳда ўтди. Расадхона ходимлари бизга XV-XVI асрларда машхур бўлган ва ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган ноёб иншоот тўғрисида батафсил сўзлаб бердилар. Улуғбек расадхонасининг қайта тикланган ер ости қисми, музейда сақланаётган фалакиёт илмини ўрганишда



Дастлабки куни Тошкент шаҳридаги “Милан” меҳмонхонасида “Ватандошлар” ва “Нуронийлар” ташкилоти вакиллари иштирокида анжуман ўтди. Тадбир “Ватандошлар” жамоат жамғармасининг фаолиятига бағишланган видеофильм намойиши билан бошланди. Сўнгра унда сўзга чиққан жамғарма бошқаруви раиси Одилжон Сатторов, “Нуронийлар” республика жамғармаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Соҳибжон Турдиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб борилаётган залворли ишлар, қўшни давлатлардаги ватандошларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятига тўхталдилар.

Саёҳатимизнинг учинчи кунини “Бухоронинг етти пири” деб номланган муқаддас қадимжолар билан танишувга бағишладик. Жумладан, Ислоом оламнинг машхур намояндалари, авлиё ва пирлар Абдуҳалиқ Гиждувоний, Хожа Ориф Рефғарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Самосий, Ҳазрат Сайид Мир Кулол, Хожа Муҳаммад Баҳоддин Нақшбандларнинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишдик.

Сайёҳон Саодатхоним Наимова бизни Бухоронинг сўнгги амири амир Олимхоннинг қароргоҳи билан атрофлича таништирди. 1920 йилда арк, унинг атрофидаги бинолар рус босқинчилари томонидан харобага айланган. Арқда тарихий осори-атиқалар, меҳнат ва жанг қуроллари, қишлоқ хўжалигида қўлланилган ускуналар ва уй-рўзгор буюмлари сақланмоқда. Шундан сўнг “Мир Араб” мадрасаси, меъморлик санъатининг дурдонаси “Минораи Калон”, “Лаби Ховуз” мажмуаларида бўлди. Бухоро шаҳар маданияти ва истироҳат боғидаги шоҳ Исмоил Сомоний мақбараси ҳам катта таассурот уйғотди. Х асрда ҳукмронлик қилган Исмоил Сомоний шаҳар тарихида муносиб из қолдирган шахсдир. Бухоро вилояти “Нуронийлар” жамияти раиси Самовиддин Хусейинов билан мулоқотимиз ҳам сермазмун кечди.

Шу куни “Нуронийлар” сихатгоҳида Марғилон шаҳар “Мақом театри” санъаткорларининг концерт дастурини томоша қилдик. Тушликдан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабиёт музейида ўзбек адабиётининг тарихи ва бугунги кундаги ютуқлари билан танишдик ҳамда адаблар хибонида ўзбек адабиёти даргаларига қўйилган ёдгорликларни кўздан кечирдик.

Навбатдаги манзил – 104 гектар майдонни эгаллаган сўлим “Янги Ўзбекистон боғи”га уюштирилган сафар барчамизда унутилмас таассурот қолдирди. Шунингдек, пойтахтнинг кўрки ва фахри бўлган “Тошкент-Siti” дам олиш ва ҳордиқ масканини оралаб, савдо маркази мажмуасидаги кинотеатрда “Баҳодир Ялангтўш” бадий фильмининг томоша қилдик. Ушбу фильм ўзбек кино ижодкорларининг сўнгги йилларда эришган ёрқин ютуғидир.

Келгуси куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фармони билан 2019 йили барпо этилган “ТЕХ-

Сафарнинг тўртинчи кунини шаҳар марказидаги “Ҳизр масжиди”га ташрифдан бошладик. Шу жойдаги Ўзбекистоннинг Тўнғич Президенти Ислоом Каримов қабрини зиёрат қилдик. Сўнгра “Бибихоним” ва “Шоҳи Зинда” мажмуаларида бўлиб, Самарқанд шаҳрининг машхур Регистон майдонидаги Мирзо Улуғбек ва Баҳодир Ялангтўш бунёд этган Шердор, Тиллақори мадрасаларига ташриф буюрдик.

Сафаримизнинг поёнида бизга “Нуронийлар” ташкилоти номидан “Самарқанд”, “Ватандошлар” жамоат жамғармаси номидан “Қуръони Карим” китоби тўхфа этилди. Дарҳақиқат, бир ҳафта мобайнида давом этган сафар чоғида Ўзбекистон Президентининг раҳбарлигида амалга оширилаётган оламшумул ислохотлар, ободончилик ва бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлдик. Марказий Осиё давлатлари орасида, шу жумладан, Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикалари орасида дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва кучайтириш борасидаги фикрлар ушбу лойиҳанинг ўқ томирига айланди.

Зокиржон МҮМИНЖОНОВ.
Тасвирларда: сафардан лавҳалар.

P.S. “Чинор” лойиҳасининг қозоғистонлик иштирокчилари номидан “Ватандошлар” жамоат жамғармаси ва “Нуронийлар” ташкилотига, жамғарма раҳбари Одилжон Сатторов, мувофиқлаштирувчи Ҳожиакбар Исоқов ҳамда барча масъул шахсларга миннатдорчилик билдирамай!

ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШИ РАҲБАРИ

Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги хотин-қизлар кенгаши раисалигига фаол жамоатчи, шифокор, тадбиркор, кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари мукофотлари соҳибаси, фаол обуначимиз Муҳаббат Иброҳимова сайланди.



Кенгаш йиғилишида тажрибали ҳуқуқшунос Маҳбуба Айтимованинг тақлиф-тилаклари инобатга олинди. Таъкидлаш жоиз, газетда чоп этилаётган мақолаларда муштарийлар томонидан билдирилаётган кўп мулоҳаза ва тавсиялар тўй ва таъзия маросимларини ихчамлаштириш, исрофгарчиликнинг олдини олиш каби муаммоларни ҳал қилишга бағишланган.

онахонлар юқорида тилга олинган масалаларни ижобий ҳал қилишда улкан имкониятларга эга. Зеро, тўй ва таъзияларнинг қандай ўтиши, асосан, аёлларнинг муштарак ташаббус ва қарорига бевосита боғлиқ.

Жамоат ташкилотлари кўпчилигининг саъй-ҳаракатлари билан йиғин-тадбирларни ўтказмоқда. Аммо, муаммолар, табиийки, йўқ эмас. Хотин-қизлар кенгаши, муҳтарам аёллар ва қадрли

Муҳаббат Саидахмад кизи бошқарадиган хотин-қизлар кенгаши фаолиятига омад тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Р. САТТОР ўғли тасвирлари.

ТҮЛЕБИЙДА УЧ ЭГИЗ ДУНЁГА КЕЛДИ

Тўлебий туманида 2022 йил июнь ойида лангерлик Ақбўта Қудайбергенова, 2023 йил январь ойида кўк-саёқлик Гаухар Бегалиева уч эгизак фарзандларни дунёга келтиргани ҳақида газетамизда ёзилган эди. Уларни туман ҳокими Тўлеген Телғараев, маслаҳат раиси Нурлан Қўйбағаров, табриклар, совғалар тақдим этганди. Кунни кеча ушбу тумандан яна бир хушхабар олдик. Орифбевлар хонадонидан уч эгизак чақалоқ туғилди.



Шимкент шаҳридаги перинатал марказда дунёга келган чақалоқларнинг иккови ўғил, бири киз. Туман тиббиёт бирлашмасининг берган маълумотларига қараганда она ва болаларнинг аҳоли яхши. Шунга қарамай, улар маълум вақт тиббий назорат остида бўлади.

Жағамбар қишлоғида истиқомат қилувчи Рўза Мурод кизининг уч фарзандига Умар, Усмон ва Розия деб исм қўйишди. Фарзандларнинг отаси Уктам – тадбиркор.

Бир мурғак жонни соғлом қилиб, униб-ўстириш қанчалар аҳоли яхши. Шунга қарамай, фарзанд ота-онаси учун янада кўпроқ қийинчилик туғдириши мумкин. Аммо, халқимизда шундай нақл бор: Бир болага

етти маҳалла ота-она. Шундай экан фарзанд тарбияси ва у уни вояга етказишда барча бир-бирга елкадош.

Хушхабар овоза бўлди. Туман ҳокими ва масъуллар «қаҳрамон» онанинг ҳолидан хабар олиб, оилага амалий ёрдам кўрсатади, дея умид қиламиз.

С. МИРЗО.

»» Хотираобод

СУНДЕТ ЁҚҚАН ЧИРОҚ СЎНМАЙДИ

Ҳаёт қонунини шундай: нарсанинг қадрини уни йўқотганимиздагина англаймиз. Ҳа, ёшлик қадрини қариганда, ҳаёт қадрини ўлим яқинлашганда тушунамиз...

Афсуски, дўстим 2023 йили 23 октябрда тўсатдан вафот этди.

Келеслик биродарим Сундет Ерназарулининг оламдан ўтганига бир йил бўлди. Яқинда дўстимнинг хонадонидан бўлиб, ушбу ақиданинг айна ҳақиқат эканини яна бир бор ҳис этдим.

Яқинда унинг уйига ташриф буюрганимда рафиқаси Аюескулнинг ён дафтаридан кўйидаги сатрларга кўзим тушди: «Мен – Аюескул Шайхқизи фарзандларимнинг отаси, невараларимнинг бобоси Сундет Ерназарули билан 38 йил бахтли ҳаёт кечирдим. Сиз абадий қалбимдасиз! Сиз ҳақингизда гапиришдан ҳеч қачон тўхтамайман... Ҳа, ҳаёт ўткинчи, аммо юрагим ураётган экан, ундаги ўрнингиз ҳеч қачон йўқолмайди. Азизим, сиз билан ўтказган ҳар бир лаҳза менга қувонч ҳадя этди. Ҳаёт эканман, хонадонингизнинг чироғини ўчирмайман, меҳмонларга дастурхон ёзавераман. Эшигимиз доимо очик бўлишини Яратгандан сўрайман! Аллоҳ таоло гуноҳларингизни мағфират этиб,

Сундет Ерназарули 1961 йили 25 декабрда Келес туманининг Абай қишлоғида туғилди. У ёшлигидан деҳқончиликка меҳр қўйиб, ота-боболари касбини давом эттирди. Қарийб ярим гектардан иборат томорқасида боғ яратди.

У кўнгли очик, меҳмондўст, дилкаш, ҳоқисор инсон эди. Шунинг учун ҳам боғидаги сархил мевалар фарқ пишганда уларни ҳамқишлоқлари билан баҳам кўраб, беминнат улашар, бундан дили яйраб, болаларча қувонарди...

Турмуш ўртоғи Аюескул Шайхқизи Абауова билан 38 йил бирга яшаб, оилада бир ўғил ва бир қизни тарбиялашди. Шукурки, бугунги кунда фарзандлар ҳаётда ўз ўрнини топишган, уч набаира ҳам вояга етмоқда...

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти истеъфодаги полиция полковниги Тўлқин Юсупов ва Қорабулоқ қишлоқ Фахрийлар кенгаши раиси Эркин Исломуқул ўғлига укалари

Бахтиёр ИСЛОМУҚУЛ ўғлининг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изхор этади.



жойингизни жаннатда қилсин! Аллоҳ хузурда юзингиз ёруғ, қалбингиз пок бўлишини насиб этсин!»

Сундет Ерназарули меҳроқибатли, дўстликни қадрлайдиган самимий инсон бўлгани учун ҳам ошна-оғайнилари унинг хонадонига келиб туришади. Демак, у ёққан чироқ ҳеч қачон сўнмайди. Дўстимнинг охирати обод, имони саломат бўлсин!

Абдумутал ИСРОИЛОВ,
Шимкент шаҳри,
Енбекши тумани,
Қоратепан даҳасининг
тўбе бийи.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

»» Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасида

«БИРИНЧИ ҚҲНҒИРОҚ» ҚА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси Райимжон Саттор ўғли раҳбарлик қилаётган шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси кенгаш аъзоларининг навбатдан ташқари йиғилишида қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди.

«Биринчи қўнғироқ» арафасида шаҳардаги Ҳамза, А. Навоий, Отатурк, Ш. Ниёзов, Э. Иззатуллаев, Р. Исатов, С. Раҳимов, А. Темуралиев, Т. Бигелдинов, Б. Мўмишули, Тўлебий, Айтекебий номли ва «Арман-М», «Бирлик» каби умумтаълим мактабларининг бошланғич ўзбек синфларига ўқувчиларни ўз даражасида жалб этиш учун мактаб муаллимлари маҳаллаларни оралаб, ота-оналар билан суҳбатлаштириш даркор. Ота-она фарзандини бирор хусусий мактабга беришдан аввал ўзлари таълим олган ўзбек мактаблари тақдирини ўйлаб қўйишса, чакки бўлмасди.

Расмий статистика маълумотларига кўра, Туркистон шаҳрида айни пайтда 70 мингдан зиёд миллатдошларимиз истиқомат қилади. Давлатимиз, ҳукуматимиз, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари томонидан яратилган имкониятлар тўғрисида фарзандларимиз мактабларда қозоқ, рус, инглиз ва бошқа тиллар баробарида ўзбек тилида таълим олмақда.

– Рўй бераётган турли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун ота-оналар болаларига йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя қилиш зарурлигини эслатиб туриши шарт, – деди фаол обуначи-миз, хусусан, меҳнат фахрийси Саъдулла Соҳиқов. – Гавжум кўчаларда юқори тезликда ҳаракатланаётган икки гилдиракли транспорт



воситаларининг орқасига уқаси ё синглисини ўтказиб олган мактаб ўқувчилари тақдирини ўйлаб қўйишса, чакки бўлмасди.

А. Ясавий мақбараси олдидаги этноовулда ўтадиган нуфузли тадбирларга шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси эндиликда илк бор долзарб ҳамда гижжак, най, дуттор, танбур, тор, доира каби миллий мусиқа асбобларида куй-қўшиқ ижро этадиган фольклор дастаси концертини тақдирини ўйлаб қўйишса, чакки бўлмасди.

Тадбирда оқсоқоллар кенгаши раиси Тўлқин Саидмуродов, «Бирлик» кичик тумани мутасаддиси Тойир Абдувалиев, ўринбосари Хусан Маҳкамбоев, оқсоқоллар кенгаши раиси ўринбосари Хусан Убайдуллаев, «Бирлик» мактаби директори Тўлқин Маҳкамбоевлар иштирок этиб ўз

фикр-мулоҳазаларини баён этишди. ЎЭМБ раҳбари Райимжон Қўчқоров тадбир якунида сўзга чиқди.

– Вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг кенгаши йиғилишида Қозоғистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, тажрибали журналист Шомирза Мадалиевнинг «Жанубий Қозоғистон» газетаси обунасини уюшқоқли ташкил этиш борасида айтган тақдирини масалан, мен «Улес» хайрия жамғармаси томонидан 200 нусха газета обунасини ташкил этаман. Вилоятимиздаги ҳар бир шаҳар ва туманда фаолият юритаётган хайрия ташкилотларининг барчаси бир ёқадан бош чиқариб, обунага ҳисса қўшишса, муаммага ўрин қолмасди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

»» Обуначиларимиз орасида

Яқинда фаол обуначи-миз, ҚР Президенти махсус мукофоти совриндори Собиржон Исҳоқов раҳбарлик қилаётган, республикада пешқадам «Гранд Микс» мебель корхонасининг юқалишида хизматлари билан танилган, бугунги кунда ҳам муаммоларни ҳал қилишида фаол иштирок этаётган меҳнат фахрийси Комилжон Йўлдошев билан мулоқотда бўлди.

Шаҳардаги «Туркистон» индустриал минтақасига темирйўл тармоғи куриш хусусидаги муаммо билан вазирилик, ҳокимлик ҳамда депутатларга мурожаат қилаётган Комилжон Олимжон ўғлининг юртимиз равнақи йўлидаги фидойилигига тан берамиз.

Ўрта мактабдан сўнг олий ўқув юртини тамомлаб, ҳарбий бурчини ҳам адо этгач, меҳнат фаолиятини хунар-таълим тизимида бошлаб, туман партия

Жамият равнақи йўлида



қўмитасида Эркин Журбақовдек жамоат арбоблари билан ҳамкасб бўлди. Мустақиллик

– Мен шаҳардаги Некрасов номли мактабни 50 йил аввал тамомлаганман. Насиб этса, шу йил Билимлар кунини собиқ синфдошлар учрашувини халқаро миқёсда ташкил этаёلمиз. Қозоғистоннинг барча вилоятлари, Ўзбекистон, Россия, АҚШ каби давлатлардан синфдошларимиз келади. «Жанубий Қозоғистон» газетасини мунтазам муталоа қилиб, ўзбек адабий тилини мукамал ўргандим, – дейди Комилжон Олимжон ўғли суҳбат жараёнида.

Умр йўлдоши, муаллима Ширин Утапбергана қизи билан қўбил фарзандлар тарбиялаб, неваралар кўрган Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Комилжон Олимжон ўғлига мустақам саломатлик тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тўлебий туманида истиқомат қилувчи Жандўс Мирзаметов давлат дастури доирасида грант олиб, Ленгер шаҳрида «Гилам ювиш марказини очди.

Дастлаб, туман «Бандликка кўмаклашиш» марказида ишсиз сифатида рўйхатдан ўтди ва «Бастау Бизнес» ўқув курсини тамомлади. Сўнг 583 минг тенгегачангютич ва гилам қуришиш ускуналарини харид қилди.

– Аввал турли жойларда ишладим, кейин ўз ишимни очишга қарор қилдим. Туман марказига гилам ювиш шохобчаси керак, деган фикрга келдим. Марказимизни «Ленгер гиламлари» деб номладим, – дейди Ж. Мирзаметов.

Гилам ювиш марказида 5 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Улар ойига 200га яқин гилам ювишмоқда.

Туманда «Еңбек» Давлат дастури тизимли равишда амалга ошириляётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жорий йилда Ленгер шаҳрида 37 нафар фуқаро ўз бизнес-режасини муваффақиятли ҳимоя қилиб, давлат грантларини қўлга киритди.

«Жанубий Қозоғистон» муҳбири.

ХУНАРЛИНИНГ ТУРМУШИ ФАРОВОН БЎЛАДИ



**Директор –
Бош муҳаррир учун
Муроджон АБУБАКИРОВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
**Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРОНБОЕВ.**

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Тўлебий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Хуршид ҚҲЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Сарйонг – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирилик томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

«ERNUR-online» МЧБ бошқарувида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқолов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шохўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11200 нусха.

Буюртма
1804.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.

»» Тўйхат ўрнида

Куйида «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетасига асос солинган пайтдан эътиборан, уни ўқиб ва қўлаб-қувватлаб келаятган тадбиркор дўстимиз, «Тулпар» автомобиллари раҳбари, Шимкент шаҳар, Ал-Форобий туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Шўхрат Рўзиметовнинг ҳаёти ва фаолиятига чизгиларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.



Эл хизматида қамарбаста умр

Ўтган йиллар давомида Шўхрат Ниёзқул ўғли жамоат ишларида фаол иштирок этиб, кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Ўзи ўқиган кадрдон гўшаси – Шимкент шаҳри, Бодоморти даҳасида жойлашган 13-сонли Мўқимий номли мактабда ота-оналар кенгаши раиси ҳамда бош ҳимийси сифатида кўплаб хайрли ишларни амалга оширди. Жумладан, шахмат-шашка, футболга қизиқадиган ўқувчиларга имкониятлар яратди. Турли мусобақалар, ўйинларнинг ташкилотчиси сифатида совринлари ва сафарларига ҳимийлик қилиб келмоқда.

Уқаси Ғайрат Рўзиметов билан биргаликда «Тулпар» футбол клубини ташкил этиб, янги чемпионларнинг кашф этилишига замин тайёрлади. «Тулпар» Қозоғистон футболда ярқ этиб порлаган ҳақиқий юлдуз бўлди. Ўйинларнинг спорт либослари, мурабийлар фаолияти, мусобақалардаги иштироки, кетма-кет галабалар – ҳамма-ҳаммаси жонқуяр ака-уканинг фидокорона меҳнати самарасидир.

Мактабда рақсни астойдил севадиган қизлардан даста тузилгани, «Баҳор» рақс гуруҳи учун янги тарих саҳифасининг очилишига сабаб бўлди. Хореография сирларини ўрганаётган қизчаларнинг либослари, уларнинг минтақа шарафини турли тадбирларда ҳимоя қилишлари ҳам ака-ука Рўзиметовлар ютуқларида кўрина бошлади.

Яқинда қўшни Ўзбекистоннинг «Болажон» телеканалдаги галаба эса раққоса қизларнинг имкониятларини янада бойитди.

Мактабда таниқли шахс-

Н. МАВЛОНОВА.



**ХУРШИД
АБДУРАШИДНИНГ
«ДАРДИСАР»
РОМАНИДАН
ҲИКМАТЛАР**

◆ Одам бахтли чоғида ўзи каби бахтиёрни кўрса, бундан қувонмайди, бироқ омадсизлик чангалда ўздай бир шўрпешани учратиш қолса борми, танга топган тенгакдек суюнади.

◆ Кўнглида озроқ қийноқ борми, тушуниш мумкин, виждони унга тинимсиз хабар бериб турибди.

◆ Кошки, ҳаёт биз ўйлаганимиздай, орзуларимиз харитасию истакларимиз йўналиши бўйлаб кетса экан...

Ҳаёт кино эмаски, сценарийсизга тугатилиш киритиб, «ҳеппи энд» қўшиб қўйсана... Бу бахтли яқун учун салкам икки юз дақиқа хронометражлик ҳаётни яшасанг... Аммо шу нуқтада хаёлларга «пауза» тугмасини босиб, ташвишлар оқимида беаёв оқишга тўғри келади, начора».

◆ ...ҳар қандай вазиятдан чиқиш эшиги бор, ҳеч йўқ бир тутам нур тушиб турадиган тирқиш бўлади-ку, барибир.